

**Ҳамидов Обиджон Ҳафизович,**  
**иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети,**

## **ЭКОТУРИЗМНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ-ТУРИЗМ СОҲАСИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ**

### **Аннотация**

*В данной статье раскрыты важные аспекты стратегического развития сферы туризма в стране совершенствованием механизма управления экотуризмом. Освещены место экологического туризма в экономике страны и его социально-экономические стороны.*

### **Annotation**

*In this article the essential aspects of strategic development of tourism sphere in our country by perfecting the ecotourism management mechanism is revealed. The place of ecotourism in our country's economy and its socio-economic parts are elucidated.*

**Калит сўзлар:** *Экотуризм, стратегик ривожлантириш, бошқариш механизмлари, табиий ҳудудлар, миллий боғлар, ландшафт, туризм талаби, туризм таклифи.*

**Ключевые слова:** *экотуризм, стратегическое развитие, механизм управления, природные территории, национальные парки, ландшафты, туристический спрос, туристическое предложение.*

**Key words:** *Ecotourism, strategic development, management mechanisms, natural territories, national parks, landscapes, touristic demands, touristic proposal.*


Бугунги кунда дунё аҳолисининг саёҳат ва туризмнинг жозибадор турлари, хусусан, экотуризмга талаб ошиши туризм соҳасидан олинаётган даромадлар миқдорининг доимий ўсиши ва ушбу соҳанинг жаҳон иқтисодий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи воситаларидан бирига айланишига олиб келди. Жаҳон амалиётида экологик туризмни ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ошириш, хусусан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори суръатлар билан ривожланиб бораётган экологик туризмга талабнинг ошиб бориши, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар – табиат резерватлари, миллий боғлар, табиат ёдгорликлари тизимини барпо этиш жараёнини сезиларли даражада фаоллаштирди.

Ҳозирги кунда сайёрамизда турли шакл ва мақомга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар жами курукликнинг қарийб 15 фоизини эгаллаган бўлиб, бунда эстетик табиий ландшафтлар, маданий-этнографик мерос

объектлари ва қулай экологик ресурслардан экологик туризмни ривожлантиришда фойдаланиш асосий йўналиш ҳисобланади.

Экотуризмнинг бошқа туризм турларидан фарқи шундаки, унда гид ва гуруҳ йўлбошловчиси туристларга табиатни муҳофаза қилиш масалаларида маслаҳатчи вазифасини бажаради. Улар экологик саёҳатларда анъанавий қулайликни биринчи ўринга қўйишдан воз кечиб, табиатни муҳофаза қилишни биринчи ўринга қўяди, “дала” шароитида яшаш ва қулайликни чеклаш афзалликларини меҳмонларга амалиётда намоиш этади.

Биз мавжуд манбаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида экологик туризм фаолияти турлари моделини ишлаб чиқдик (1-расм).



1-расм. Экологик туризм фаолияти турларининг модели<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таклиф этилаётган модель экологик саёҳатларнинг асосий мазмуни ва ташкилий хусусиятларини аниқлаш имконини беради, уларни режалаштириш ва бошқаришга асос бўлади. Масалан, биринчи тоифа экосаёҳатларни (муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд – МЭТХ чегараларида) уюштиришда туристларнинг экологик хатти-ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишларини таъминлаш учун масъул малакали гид(йўл бошловчи)ларнинг иштироки зарур, бунда туристларни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатишда нисбатан содда инфратузилма объектлари билан таъминлаш назарда тутилади.

Иккинчи тоифа (МЭТХ чегарасидан ташқарида) экологик саёҳатларда қатнашчилар биров “юмшатишган” экологик эркин ҳаракат ва феъл-атворга йўл қўйилади, лекин бунда ҳам қатъий чеклашларга риоя этилади. Учинчи тоифа экосаёҳатларни уюштиришда, одатда, анча юқори даражадаги қулайликлар яратилади. Барча тоифа экосаёҳатлар махсус ва пухта режалаштириш ҳамда бошқариш асосида ташкил этилиши керак.

Туризмни бошқариш механизми-бошқариш тизимининг ҳал қилувчи элементи ва воситаси бўлиб, унинг ёрдамида бошқариладиган объектларга мақсадга эришишга йўналтирилган таъсир тадбирлари амалга оширилади. Бу борада туризм сектори таркибида мақсадга мувофиқ ташкил этилган ва оптимал бошқариладиган экотуризм ва ландшафтлар хилма-хиллиги ва уларнинг рекреация ресурс салоҳияти имкониятларидан чексиз узоқ муддатларда самарали фойдаланиш, уларни асраш, муҳофаза қилиш, тақрор барпо этиш, экотуризмни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўртасида оптимал алоқа ва нисбатларни ўрнатишнинг энг самарали механизмларидан бири ҳисобланади.

Механизм туризм фаолиятига самарали таъсир кўрсатадиган маълум бошқарув ва ташкилий қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга оширишни ифодалайди. Бунда бошқариш субъекти бошқариш объектига кутилаётган ривожланиш ва режалаштириладиган натижаларга эришишга имкон берувчи таъсир кўрсатиш усуллари мажмуасидан таркиб топади. Бошқарув механизмлари иқтисодий, норматив-ҳуқуқий, маъмурий, бошқарув, технологик, ахборот ва ғоявий-тарбиявий бошқариш методларига асосланиб амалга оширилади.

Бошқарув компонентлари таркибига, фикримизча, режалаштириш, ташкил этиш ва менежментнинг бошқа асосий функцияларидан ташқари яна мувофиқлаштириш (координация), назорат ва интеграциялашни ҳам қўшиш зарур. Умумий кўринишда экотуризмни бошқариш тизими ва механизмлари 2-расмда кўрсатилган.



**2-расм. Ўзбекистонда экологик туризмни бошқариш тизими ва механизлари схемаси<sup>2</sup>**

Туризм-рекреация комплексининг яхлит тизим сифатида фаолият юритишининг асосини унинг қўйидаги кичик тизимлари ўртасидаги яқин ва самарали ўзаро таъсир ташкил этади:

- 1) рекреация-туризм ресурслари;
- 2) ташкилий-бошқарув компонентлари;
- 3) туризм индустрияси;
- 4) туризм-рекреация хизмат ва маҳсулотлари истеъмолчилари.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бунда корхоналар ва минтақа, мамлакат миқёсида туризм комплексини бошқаришнинг самарали механизмини барпо этиш талаб этилади.

Таъсир кўрсатиш механизмлари яхлит тизим сифатида Ўзбекистонда кўйидаги иерархия даражаларида амалга оширилади:

1) микроиқтисодий (туризм фирма ва ташкилотлар);

2) мезоиқтисодий (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, туман, шаҳар, вилоят, Қорақолпоғистон Республикаси, пойтахт Тошкент шаҳри ижроия ҳокимияти органлари);

3) макроиқтисодий (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси).

Мазкур уч даражали бошқарув тизимида микроиқтисодий даража мамлакатимиз туризм комплексини ривожлантиришнинг бирламчи асоси ҳисобланади. Айнан туризм корхонаси даражасида бошқарув механизмлари ва фаолиятини такомиллаштиришни кўриб чиқиш, минтақалар ва мамлакат миқёсида туризмни ташкил этиш ва бошқариш тамойилларини чуқур тушуниш имконини беради.

*Макроиқтисодий* даражада туризм соҳасидаги давлат сиёсати, уни ривожлантиришнинг асосий норма, қоидаларини белгилаш, турли дастурлар ишлаб чиқиш, устувор йўналишларни белгилаш, туризм саноати объектларини стандартлаштириш ва таснифлаш, ахборот таъминоти, туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва хокалар амалга оширилади.

*Мезоиқтисодий* даражада минтақалар доирасида туризмни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш содир бўлади, шунингдек, туризм соҳасида фақат минтақа даражасида давлат сиёсати ўтказилади, туризм маҳсулотини сотишга, янги туризм турларини барпо этиш, туризм ресурсларини муҳофаза қилишга ёрдам кўрсатилади.

*Микроиқтисодий* даражада барча турфирмалар юқорида кўрсатилган икки даражага тааллуқли барча тадбирлар, яъни туризмни ривожлантиришнинг республика ва минтақавий дастурларини шакллантириш, ички ва ташқи дунё туризм бозорида туризм маҳсулотларини сотишда иштирок этади, энг муҳими, янги туризм маҳсулоти ва хизматларини яратади, булар туризм соҳасининг фаолияти ва ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Айнан шу даражада тадбиркорлик ташаббускорлиги намоён бўлади, булар аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Туризм соҳасида янги корхона ва ташкилотлар пайдо бўлади, улар қўшимча ишчи ўринларини барпо этишга олиб келади, шу асосларда иқтисодий ўсишга имконият яратади.

Туризм фирмаларининг ташкилий-иқтисодий механизмларини мавжуд шарт-шароитларга мослаштириш, барча бошқарув механизмларидан самарали фойдаланиш, бошқарув субъектларининг объектларга энг таъсирчан усулларни қўллаб, таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг яқин ва узоқ истикболдаги стратегиясини белгилаш ва уни амалга ошириш, аввало, унинг самарали тузилмасини шакллантириш, рақобатдошлигини таъминлаш, барқарор ўсишига эришишга имкон берувчи тадбир ва

механизмлар комплексини ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай стратегия биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида (1992), Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги (2004), Туризм тўғрисидаги (1999), Экологик назорат тўғрисидаги (2013) қонунлари ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамаси фармонлари ва қарорлари талаб ва қоидаларини ҳисобга олишга асосланади.

Бунда экотуризм стратегияси табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик назоратни амалга ошириш ҳамда давлатимизнинг туризмни миллий иқтисодийнинг стратегик аҳамиятга эга соҳасига айлантириш тўғрисидаги сиёсати билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши керак.

Ўзбекистоннинг бой ва хилма-хил рекреация-экотуризм объектлари ва ресурсларининг асосий қисми МЭТХларда жойлашганлиги сабабли экотуризм фаолиятининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ва унинг экологик назоратини амалга ошириш мазкур фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш стратегияси ва амалиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур йўналишларнинг ҳуқуқий асослари юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб берилган. Шу билан бирга Стратегия мамлакатимиз тараққиётининг машҳур ўзбек модели тамойил ва талабларига, ўзбек халқининг асрий анъаналари ва тажрибаларига асосланиши, экотуризмни миллий иқтисодийга интеграциялашга асосланиб ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши лозим.

Шундай қилиб, стратегия экотуризмни ривожлантиришни бошқариш фаолияти умумий тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, МЭТХ ларда экотуризмни ривожлантириш салоҳияти ва имкониятларини (афзалликлар, ресурс тежаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик назоратни амалга ошириш, рақобатдошликни ошириш ва бошқалар) шунингдек, экологик ва экотуризм хавф-хатарларни аниқлаш асосида фирмалар, компанияларнинг узоқ муддатли мақсадларини белгилаш, уларни чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган тадбирлар тизими ва инструментлар воситасида амалга оширишни таъминлашни билдиради.

Стратегия экотуризмни стратегик даражада ривожлантиришни бошқариш механизмларининг марказий элементларидан бири бўлиб, норматив экотуризм сиёсати ва оператив экотуризм дастури ва режалари ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади. Шу билан бирга стратегия фирманинг узоқ муддатли рақобатдошлигини таъминлаш вазифасини самарадорликнинг мавжуд ва янгидан шаклланаётган салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали (имиж, ваколат, бозордаги улуши ва б.) амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда экотуризм фирмаларининг асосий стратегияси кўп ҳолларда харажатларни камайтириш, хизмат ва маҳсулотлар сифатини ошириш, бозор талабларининг ўзгаришига тез ва сезгирлик билан жавоб бериш ва мослашиш бўйича етакчиликка эришишга йўналтирилмоқда. Етакчи фирмалар ўз бошқарув жараёнлари ва уларга тегишли стратегияларида

экотуризм иқтисодий ва атроф-муҳит муҳофазаси ўртасидаги зиддиятларни экологик императив устуворлигига асосланиб ҳал этмоқда.

Бунда бозор, савдо-сотик, табиат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ўзаро мувофиқлаштирилмоқда. Масалан хизматлар, маҳсулотлар, технологиялар, бошқарув усуллари экологик хавфсиз йўналишларда экологиялаштирилади («яшиллаштириш»). Мазкур йўналишлар кўшалок ютуққа (мутахассислар мазкур ёндашувни дарахтнинг пастки шоҳларидаги меваларни териб олиш деб ҳам юритадилар), яъни ҳам атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳам иқтисодий самарадорликка эришиш, шунингдек, нисбатан кам харажат сарфлаб, сезиларли экологик-иқтисодий натижага эришишга, шундай асосларда экотуризмни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган стратегияни ишлаб чиқиб амалга оширишга муҳим асос бўлмоқда.

Стратегиянинг асосий мақсади – МЭТҲлари турли категорияларининг рекреация-экотуризм ресурси салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган экотуризмни барқарор ривожлантиришни бошқаришнинг узок муддатли устувор йўналишларини белгилаб берувчи стратегияни шакллантириш, соҳанинг миллий иқтисодийга кўшадиган улушини кўпайтириш, асосий муаммолар ечимини топиш йўналишларини аниқлаш ва бошқарувнинг тегишли экологик-иқтисодий мақбул стратегияси йўналишларини амалга оширишдан иборат.

Стратегияни шакллантиришнинг амалий ва ташкилий жиҳатлари ва элементларини дунё амалиётида кенг қўлланилаётган методологик ёндашув ва принципларга таяниб ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг «ўзбек модели» тамойилларини ҳисобга олиб ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш кўйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ:

- миллий манфаатларнинг устуворлиги, мамлакатнинг ягона экотуризм макони ва экотуризм бозорини барпо этиш;
- мамлакат экотуризмнинг комплекслиги, табиат муҳофазаси, экологик ва экотуризм хавфсизлиги, экологик ва экотуризм назоратининг ўзаро боғлиқ ва мувозанатлашган тизимини маҳаллий шарт-шароитлар ва истеъмолчилар (ташриф буюрувчилар) ҳамда маҳаллий аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб ташкил этиш ва бошқариш;
- МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда ландшафт ва биологик хилма-хилликдан экотуризмда фойдаланиш жараёнида уларни асраш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва анъналарни ҳурмат қилиш, тарихан шаклланган миллий ҳунармандчилик ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашни бошқариш тузилмаси таркибига киритиш;
- экология ва экотуризм хавф-хатарларни ҳисобга олиш ва уларни бартараф этишни бошқариш;
- маҳаллий кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, экологик тоза хизмат кўрсатиш соҳалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

• экологик туризмни маҳаллий, минтақавий, миллий иқтисодиёт тизимларига интеграциялаш асосида унинг мамлакат иқтисодиёти самарадорлигига кўшадиган ҳиссасини ошириш, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш.

Туризм соҳасини давлатнинг тартибга солиши туризм бозорини кенгайтириш, рағбатлантириш, кўшимча имтиёз ва переференциялар бериш, ижтимоий сиёсат соҳасида – тегишли тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу муносабат билан туризм бозорини кенгайтириш мақсадларида туризм маҳсулотини бозоргир қилишга йўналтирилган бозор стратегиясини ишлаб чиқиш зарур, деб ўйлаймиз. Бунда бозордаги ҳаракатларнинг узоқ муддатли энг мақбул моделини танлаб олишда қуйидаги стратегик ёндашувларга асосланиш мумкин:

1) *кескин ўзгаришлар стратегияси*, унда истеъмолчилар сони камайиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш мақсадида жамоат сектори ва хусусий секторнинг куч-ғайратларини бирлаштириш; ривожланишга инвестиция киритиш, ундан самарали фойдаланишни режалаштириш ва тегишлича мадад бериш чораларини кўриш;

2) *ўсишни сақлаб қолиш стратегияси* – ташқи шароит ноқулай бўлган тақдирда кўшимча хизматларни жорий этиш йўли билан ўсишни қўллаб-қувватлаш;

3) *эришилган ўсиш стратегияси* – туризм корхона ёки минтақа бозор эҳтиёжларини қондира олмаган тақдирда янги маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш;

4) *танланган ўсиш стратегияси* – муайян туризм сегментнинг аниқ мақсад йўлида куч-ғайрат сарфлашини кучайтириш.

Мазкур стратегияларни давлатнинг тартибга солиши йўналишида амалга оширишда қуйидаги вазифалар қўйилади: а) туризмни ривожлантириш соҳасида ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш; б) экотуризм муаммоларини ҳал этишга қулай шароит яратиш; в) экотуризмда давлат ва хусусий секторларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, уларни самарали инвестициялаш ва доимий назорат қилишни таъминлаш.

Стратегияни ишлаб чиқишда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш фаолиятининг барча шакллари, томонлари, йўналишлари, жиҳатлари бевосита ёки билвосита фирманинг атроф табиий муҳит билан ўзаро муносабатлари хусусиятларига боғлиқ бўлишини ҳисобга олиш керак. Бундай муносабатлар фирма фаолиятининг экотуризм хизмати кўрсатиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариши жараёнида рекреация-экотуризм ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни асраш ва муҳофаза қилиш, тежашни ўз ичига олади.

### Адабиётлар

1. Bekmuradov A.Sh., O.Kh. Khamidov Perspectives of development of tourism in Uzbekistan // Problems and perspectives of developing tourism sphere Tashkent – 2008 г. P. 70.



2. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма. Учебник. – М.: Новое знание. 2005. – 644 с.
3. Игнатъева М.Ф. Место и роль туристского комплекса в современной экономике.: Автореф. дис. канд. экон. наук. -СПб., 1994.
4. [www.ecototourism.org](http://www.ecototourism.org)
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. [www.unwto.org](http://www.unwto.org)